


ҲАМКОРЛИК

БОБУР ШОҒТА ҚИЗ БЕРГАНМИЗ



— Мухтарам элчи жа-ноблари, Сиз бу ерга келишдан аввал қатор мав-лакатларда Покистон И-сом Республикасининг фа-вулодда ва мухтор элчи-си бўлиб ишлагансиз. Су-хбатни Ўзбекистондан олган илк таассуротларингиздан бошлашас.

Одамнинг табии кизик-баъзи мамлакатларга бориб, анчагина бетонасираб юрсан, кўнглингга яқин дўст-биродарлар ортириши ҳам анча вақт талаб қилади. Ўзбеки-стон ҳақида гапирадиган бўлсам, яна келган кўн-лиримдаёқ худди эски қадрон-лар билан учрашгандай ҳис этдим ўзимни. Аввалдан бу юрт менга танишдай эди. Биринчидан, ўзбек халқининг очикқўнгли, саровати, бағри кенг, кийинлар эканлиги мени бошқа жихати халқларимизнинг қадим-қадим-дан бир-бирига эшигидир. Буларнинг замирида Сизларнинг буюк боқоқалонларин-гиз Беруний, ибн Сино, Тер-мизий, Имом Бухорий, Баҳо-уддин Нақшбанд-у Мирзо Бо-бурдан тортиб, Мирзо Фолб-гача бўлган ўнлаб сиймолар

кис жойлашган. Куруқликнинг қариб ярмини ташкил этган Булухистон воҳисиде кург-чилик боис аҳолининг бор-йўғи 5 фоизи ўрнашган. Ку-руқликнинг ундан бир қисми-ни ташкил этган текислик Панжоб ва Синдх вилоятла-рида аҳолининг 80 фоизи ис-тиқомат қилади. Аҳолининг қолган қисми шимоли-ғарбий чегара хуудулари бўлиши Қашмирда яшайди.

Покистонликлар ҳам худ-ди Ўзбекистондагига ўхшаш асосан қишлоқ ҳужалиғи билан банд, 135 миллион аҳолининг 35 фоиздан кўпроғи шаҳарда истиқомат қилаётгани, одамларнинг ша-ҳар томон оқиб келаётгани, яъни шаҳарлашув жараёни йил сайин ортиб бораётгани ҳам мамлакатнинг умумий қўёқасидан далolat беради. Мана шундай ўзига боғлиқ-лар одамларимизнинг турмуш тарзида, энгил-бошида, таом-лардан тортиб адабиёти, му-сикасида ҳам ўз ифодасини топган.

— Аҳоли нуфузининг катталиги ҳақида айтдин-гиз, “болажон” мамлакат сифатида Покистоннинг муаммолари ҳам оз эмас-га ўхшайди.

— Мамлакат аҳолисининг 45 фоизини 15 ёшга бўлган болалар ташкил этади. Бу тахминан 60 миллион одам дегани. Уларни боқиб, со-ғлигини сақлаш, ўқитиш ва келгусида иш билан таъмин-лаш муҳим муаммодир. Ми-сол учун, соғлиқни сақлаш муаммолари асосан вилоят маъмуриятлари зиммасига юлганган.

Хукумат мамлакат микёси-да соғлиқни сақлаш, вилоят-лар фаолиятини мувофиқла-тириш, халқро алоқа ва ҳам-корликларни йўлга қўйиш би-



“Ўзбекистондаги ўзгаришлардан хайратдаман”, дейди Покистоннинг Ўзбекистондаги фавкулдда ва мухтор элчиси Фазал ҒАҒУР соҳиб

— Ташкентда фаолиятим-ни бошлаганимга эндигина 7-8 ой бўлди. Шу киска муддат ичида бу ерда қад ростлаган курилишлар микёсини қўриб хайратга тушаман. Ободончи-лик, бунёдкорлик ишларига ҳозирги пайтда ҳеч қим сиз-лардагидек эътибор берил-ма-са керак. Шу билан мухтар-ам Президентингиз маъри-фат, маънавият борасида асос солиб, ҳаётга татбиқ этаётган

тизимни, умуман Респуб-лика микёсида миллий маънавий тарғиботга ниҳоят-да катта эътибор бери-лаётганини қузатиб хайрат-га тушман. Бу жуда узокки қўлаб тутилган доно сибаст деб ҳисоблай-ман. Ешларни вояга етка-зида маънавият ва маъ-рифат муҳим аҳамият касб этади. Ахир еш авлод узлигини англамас, халқи муддатда бориш имконияти-га эга бўлиб-.

— Карачи портини на-зарда тутаясиз-да!

— Ҳа, бу бандаргоҳ Ўзе-бекистонни дунёга олиб чиқи-шда энг яқин ва қулайлиғи билан ажралиб туради! Тасав-вур қилинг, азонда йўлга ту-шиб, кечки оқатни Пешова-рда қилишингиз мумкин. Ун-дан у ёки Карачигача бир кун-лик йўл! Ахир, Ўзбекистон му-стақиллигининг дастлабки йил-лари — 1949 йилнинг но-ябрида машур ʻʻзучингиз Ойбек Тошкент-Термиз-Ко-бул-Пешовар орқали йўлга ту-шиб, Карачига етиб келган ва машур шоирлар Файз Аҳмад Файз, Аҳмад Нодим Қосимилар хонадониде меҳ-мон бўлиб, мушоира қилиш-ган. Адиб бу ҳақда ўзининг “Покистон йўллари” номли сафарномасини эзиб қолди-рган.

Энди ўша йўлларни қайта очиб мустақил Ўзбекистон-нинг ижодкор-зиёлилари ел-касига тушади” деб бежиз ай-тамади. Бу сўзларни мисол қилиб келтириш билан де-моқчиманки, Ўзбекистон—По-кистон ўртасидаги қадрон-лик ришталарини янада мус-тақамлаш учун барча асос-лар мавжуд. Мен ота томо-нидан ажадодимиз бўлган Муборак бийнинг шох Бо-бурга қайлиб қилиб берил-ганини кўп мисол қилиб кел-тиришман. Тақдирни қаранг, Бобур юртида хизмат вази-фамни уталоқдаман.

— Ўзбекистоннинг қай-си шаҳарларида бўлдингиз?

— Ғузл Фаргона водийси бўйлаб саёҳат қилдим. Кўп ёру дўстлар орттирдим. Ўзе-бек тарихининг дурдоналари ҳисобланган Самарқанд, Бу-хоро, Нухус, Хоразм, Хива шаҳарларида бўлдим. Бу қадар чиройли табият манза-раси ва очикқўнгли, меҳ-мондўст инсонларни қам у-ратганман!

— Суҳбатимиз сўнгида Покистон матбуоти хусуси-да маълумот берсангиз?

— Покистонда жуда кўп нашриёт компаниялар мав-жуд. Газета-журналлар сони 2500 дан ортук, 300 та яқин қундалик газеталар чиқади. Урду, инглиз, синдхи, пушту, панжобий ва бошқа тилларда чоп этилади. Покистон худ-дида биринчи газета 1850 йилда нашр қилинган. 1-ми — “Кўхи-нур”. Кунига 1,5-2 миллиондан ортук нусхада чиқадиган газеталар бор.

— Қизилқор суҳбатин-гиз учун ташаккур.

МУХБИРИМИЗ
Эзиб олди

МИНТАҚА
АФГОН МУАММОСИ:

Кейинги вақтларда айрим мамлакат ОАВларида Аф-ғонистон муаммосига доир мақолалар, журналлар тили билан айтганда, сенсацион хабарлар тарқатил-моқда. Хабарлар оқими шундай шиддатлики, унда ҳат-токи, бугун ёки эрта Толибон ҳаракати Мар-казий Осиёни ишғол этади ва Россия томон ҳаракат қилармиш деган хабарлар ҳам уч-райди. Албатта, Афғонистонда бўлаётган во-қеалар, бу — ўша мамлакатнинг ички иши, Россия матбуотидаги шов-шувлар ҳам ўша давлатнинг ички иши. Биз уларнинг ички иши-га аралашмоқчи эмасмиз. Биз, бир қузатувчи сифатида, воқеаларга ўз муносабатимизни бил-диришмоқчимиз. Чунки Афғонистонда кечаётган воқеаларга Ўзбекистоннинг ҳеч бир фуқароси бефарқ қарай олмайди. Чунки Афғонистон биз-нинг қўшимчиз. Қўшининг тинч, сен тинч деб халқимиз бекорга айтмаган. Олис мамлакатлар-ни билмадиму, лекин Афғонистондан хавф ке-ладиган бўлса, бу биринчи бўлиб бизга қара-тилган бўлади. Қолаверса, давлат бошқарми-ши, ҳарбий-сиёсий жараёнларни бошқариш бўйича, иқтисодий-технологик жараёнлар бўй-ича етарли тажрибага эга бўлмаган толибон ҳарак-атини Москвага қадар етиб бориш, ҳақидаги мулоҳазалар қанчалек мантқиқ-нос келади? Бу қандай хавотир ўзи? Кимга керак бундай хаво-тир? Ёки ҳақиқатан хавф борми, бор бўлса қан-дай?

“ДЕ ЮРЕ” КИМ-У, “ДЕ ФАКТО” КИМ?



“Толибонларнинг давлатлариға ҳеч қандай таҳдид солмайди, улар хаво-тирга тушмасликлари керак, биз уларнинг ички ишларига аралашмаймиз. Толибонларнинг Тожикистон чегарасига яқинлашиши билан минтақада тинчлик ва ҳафсизлик ўрнатилмайди”, деб баёнот беради. Бақил Аҳмад Мутаваққил яна шундай таъкидлайдики, толиблар шу вақтгача бирон марта бошқа давлатларга таҳдид солмаганлар, шунингдек, улар АҚШ бошчилигида Европа мамлакатлари билан наркотик, инсон ҳуқуқлари ва Афғонистон худудиде яшириниб юрган террорчилар билан боғлиқ муаммолар борасида мулоқот юритишга тайёр эканликларини билдирди. Мутаваққилнинг фикрича, Мутаваққил Усама Бин Ладен номини тилга олмас-да, аслида уни ҳам назарда тутмоқда.

Вазиятнинг яна бир томони шундаки, Афғонистоннинг расман тан олинган ҳукумати Рабобий бошчилигидаги ҳукуматдир. Бу ҳукумат ҳозир ўзининг БМТда ўрни ва қўлига мамлакатлардаги элчихоналарига ва Афғонистон томонидан юридик ҳужука эга бўлиб иш юритаётган ҳуку-матдир. Лекин масаланинг иккинчи томони шундаки, бу ҳукумат “де юре” мавжуд, “де факто” йўқ, яъни оғзида бор-у, амалда йўқ. Чунки у мамлакатнинг на ички, на ташқи сиёсатига таъсир қилма олмаяпти. Бунинг устига, у мамла-катнинг бор-йўғи 5 фоиз худудини эгаллаб турибди. Шимо-лий иттифокнинг маркази бўлиши муҳим стратегик шаҳар Толоканининг толиблар томонига ўтиши уларнинг аҳолини янада қиғалаштирди. Президент Б.Рабобий ва мудоффа вазири А.Ш.Масъудга соҳиб қўлини қўйишлари Панжшер дарасига чекиншига мажбур бўдиллар. Толибларнинг таъйиқи остида Қобулни ташлаб кетган Олий ҳукумат кенгаши баёнотида айтилишича, барча қонуний давлат тизимлари мамлакат шимолида ўз ишларини давом этти-рмоқда, унинг чет эллардаги дипломатик ва консуллик ваколатхоналари илгаридек президент Б.Рабобий бошчи-лигидаги Исом Афғон Давлати манфаатларини ифода этмоқда.

Бирок мамлакатни “де-юре” эмас, “де-факто” бошқараёт-ган ҳаракат Толиблар ҳаракатидир. Улар ҳозирги кунда мамлакатнинг 95 фоиз худудини бошқармоқдалар. Бу бошқариш ўрта асрларга хос усуллар билан олиб борилаёт-ган бўлса-да, ҳар қалай, мамлакатда бир қадар тартиб ўрнатилган.

Бундай ҳолда узоқ давом этмаслиги аниқ эди, шунинг учун ҳам кейинги пайтларда турли мамлакатларда Толибон ҳаракатиға нисбатан муносабат ўзгара бошлади. Ҳозирги кунда толиблар ҳаракати Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон ҳукуматлари томонидан тан олинган. Эрон расман Толибон ҳукуматиға қарши бўлса-да, савдо-сотик ишларини олиб боришга рўхсат берган, ўз ваколатхонасини очган. Туркменистон ўз консуллигини очган ва газтўрубароводларни Афғонистон орқали олиб ўтиш бўйича музокаралар олиб бормоқда. Хаттоки, Шимо-лий иттифокнинг энг яқин шериги бўлган Россияда ҳам толибларға нисбатан ўзгаришлар юз бера бошлади. Россия президентининг ёрдамчиси Ястержескийнинг Исомобод-га ташрифи ва у ерда олиб борилган музокаралар бундан далolat бериб турибди. Бундан ташқари Франция ва Хитойда ҳам туридан-тури толибонларни қўлаш бўлмас-да, уларға нисбатан илтифок кузатишмоқда. Шунингдек, БМТ ва унинг ташқилотлари турли йўналишларда бир неча йиллардан буён Афғонистон худудиде толибон ҳаракати билан ҳамкорликда турли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Воқеалар таҳлили шунини кўрсатадики, толиблар агар мамлакатни тўлиқ бошқаришга ўтсалар, авваломбор мамла-кат яхлитлигини сақлаш учун бошқа давлатга ҳужум қилиш эмас, балки чегараларни мустақамлашлари, иқтисодийни таъ-сис солишлари керак бўлади. Биринчи ўринда Афғонистон-га нисбатан жаҳон ҳамжамияти томонидан қилинган санкция-ларнинг бекор қилинишига эришиш керак. Демак, Афғони-стон муаммоси ўзига етарли. Юқоридагиларга эришиш учун жаҳон ҳамжамиятининг тарабини бақаришга мажбур. Чунки ҳозирги глобаллашув жараёнида Афғонистон иқтисодийни ички имкониятлар ҳисобига тиклаш мумтоқ мумкин эмас. Қузатувчиларнинг фикрича, вазиятни янада қиғалашти-

риш учун айрим ОАВ шов-шув соляпти. Айрим давлат-ларнинг, аиникса, Россиянинг бу жараёндаги маъкеи пасаёй-иб бориши қузатилмоқда. Бошқача айтганда бўлсақ, Россиянинг жанубий Осиёдаги манфаатлари катта зарар кўрмоқда эмши. Шу манфаатларни ҳеч бўлмаса ҳозирги даржада ушлаб туриш учун ҳам гоёвий, ҳам дипломатик ҳаракатлар қилинмоқда. Бишкекда Коллектив хавфсизлик шартномаси доррасида қабул қилинган ҳаракатлар, Ястер-жескийнинг Исомободга сафари, Тожикистондаги Россия ҳарбий базаларини қузатиришга бўлган ҳаракатлар ва ҳ.к. Бу ерда Россия қандай қилиб бўлмасин, Покистонга ва бошқаларға бу минтақадаги “асосий уйинчи бизмиз”, — деб уқдиршига уринмоқда.

Тўғри, Россиянинг Марказий ва Жанубий Осиёда геопол-итик, геозомоник манфаатлари мавжуд, у билан ҳисоб-лашмаслик сибастадаги калтабиллик бўлур эди. Лекин бу манфаатларнинг бошқаларға нисбатан устуворлик даъво қилиши манфаатлар қаршилиғига олиб келиши табиий. Ҳозирги шариот билан бундан 10 йил олдинги шариот, аиникса геополитик шариот бутунлай бошқача. Афғонистон атрофидаги геополитик вазият шундан иборатки, аввалом-бор, XX асрининг 70-йилларида Афғонистон икки қутб тутқашувининг қўрбони бўлган эди. Кейинчалик икки қутбнинг тарқаб кетишига шу Афғонистон сабаб бўлди. 70-йилларда Афғонистон шимолда бир давлат — СССР билан чегарасод бўлса, эндиликда шимолда янги пайдо бўлган ёш давлатлар билан чегарасод. Афғонистон ҳам шимолда ҳам жанубдан, ҳам ғарбдан, ҳам шарқдан ядро қуролига эга ёки эга бўлиш арасида турган давлатлар қуровида қолди. Бундан ташқари, Афғонистон атрофидаги давлатлар учун нисбатан бир неча баробар ривожланиб кетди. Шулар-дан келиб чиқадиган бўлсақ, Афғонистонда тинчлик ўрнати-лиши билан жанубий Осиёдаги геополитик жараёнда жиҳдий ўзгаришлар юз беради. Афғонистон билан қўшни давлатлар: шимолда Ўзбекистон бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, савдо-сотикни ривожлантириш; Туркменистон эса Афғонистон орқали ўзининг нефть, газини жанубий океанларға олиб чиқиш ва экспорт қилишни олдинга сурмоқда. Бу ўринда “6+2” гуруҳининг фаолияти Исом Каримовнинг ташаббуси билан жаҳон ҳамжамияти эътиборига қўйилганига жуда муҳимдир. Фикримизча, “6+2” имкониятлари катта. Афғон муаммосини ҳал қилишда “6+2” дастури янги босқичга чиқиши керак. “6+2” ташаббуси билан Тошкент ёки Ашгабадда БМТнинг Афғонистон бўйича халқаро “Саммит”ини ўтказиш вақти келди. Афғони-стон ёрдам беришининг, терроризм ва нарқобизнесға қарши курашининг “жаҳон ёрдами” дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак. Чунки нарқобиз моддаларни өтқиштиришга ва уларни сотишга қарши кураш, мамлакат худудидеги террорчиларни йўқ қилиш учун жуда катта сармомалар, янги лойиҳалар зарур бўлади. Бунга бутун Европани, Осиёнинг ривожланган мамлакатларини жалб қилиш керак. Нарқобизнес ва терроризмға қарши кураш борасида эса АҚШнинг ҳам ўз ташвиши бошидан ошиб өтмиди. Демокриманки, бундай муаммоларға қарши кура-шишда жаҳон ҳамжамиятининг ҳамкорлиғи ниҳоятда зарур. Бунинг учун биринчи навбатда Афғонистонда тинчлик, барқарорлик ўрнатилиши шарт. Бу ёрдаги барқарорлик билан Марказий Осиёдаги ва МДХдаги барқарорлик чамбар-час боғлиқдир. Гап шундаки, барқарорлик Марказий Осиё-да амалга оширишнинг Афғонистон билан иқтисодий-сиёсий муносабатларининг ривожланишиға олиб келади. МДХ ва Европа учун хавф бўлиб келаётган нарқобизнес ва терроризмининг олдини олиш, уни батамом йўқотиш имконияти беради. Гап шундаки, ҳозирги иқтисодий-сиёсий жараёнлар каерда бўлмасин, қандай шаклда бўлмасин, тартибини, бошқаришни талаб қилади. Бошқа томондан айтганда бўлсақ, шу худуддаги мамлакатдан бошқалар, қўшнлар олдида ўзига хос масъулият талаб қилинади. Бу масъулият-ни фақат расман тан олинган ҳукумат ўз зиммасига олиши мумкин, шундай экан, мантқиқ ва жуда ўринли савол турғилади: Афғонистонда масъулиятни ўз зиммасига оладиган ҳукумат борми?

Беҳруз АСОМИДДИНОВ

Тақорр таъкидлаймизки, расмий тан олинган ҳукумат бу масъулиятни адо эта олмаяпти. Дейлик, Рабобий ҳукуматидан Усама Бин Ладенни тутиб бе-ринг, террорчиларни ўз худудингиздан чиқариб юбо-ринг, нарқобизнесчиларни қўлга олиш деб талаб қилиш мумкинми? Улар бунга қодирми? Табиийки, улар буни бажара олмайдими. Энди шундай талабни Толибон ҳаракати олдиға қўйилса-чи, у ҳолда натижа бўлиши мумкин. Бунинг учун, яъни, талаб қилишдан аввал у қучни тан олиш ва у билан ҳисоблашиш керак. Бизнинг фикримизча, ким бўлишидан қатъий назар, барқарорлик, хавфсизлик учун жавоб берадиган қандай-дир ҳукумат бўлиши керак. Буни афғон халқи ҳал қилади, албатта.

Агар масалан, Толибон ҳаракати бошқа қучлар билан биргаликда коалицион ҳукумат тузса, авваломбор жаҳон ҳамжамияти олдида, кимдан сўраш имконияти, яъни қонуний ҳукумат пайдо бўлади ва ундан масъулиятни талаб қилиш мумкин бўлади.

Афғонистонда инсон ҳуқуқлари бузилишти, нарқобизнес ва терроризм ривожланиб кетганини қўриб туришимиз. Аввало, уруш кетаётган мамлакатда буни талаб қилишинг ўзи мантқиқ эид. Чунки бунга ким жавоб беришини ҳеч қим билмайди. Демак, тузиладиган ҳукумат юқоридагилар учун масъул бўлади. Ана шундан сўнг БМТ ва Халқаро ҳамжамият томонидан қиритилаётган санкциялар ўз вақтида бажарила-ди ва самара беради.

Шундай қарашлар борки, Толибон ҳаракати жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинishi учун ҳаракат қилишти, ўз мақсадига эришган, нарқобизнесға, терроризмға қарши курашмайди, ақсинча, уларни Марказий Осиёға ва Россияға йўналтиради. Умуман олганда, шундай бўлиши мумкин, лекин бунга ҳозир асос йўқ. Бундай тажриба ва етарли ҳарбий-сиёсий, иқтисодий салоҳият ҳам йўқ. Иккинчи томондан, толиблар Ўзбекистонга ҳарбий агрессия қилса-лар, бу уларнинг охириги ҳарбий ҳаракатлари бўлиши мумкин. Чунки Ўзбекистон қуролли қучлари ташқи агрессия-ни қайтарма олади.

Демак, толиблар олдида ўз иқтисодийларини йўлга қўйиш, давлатчиликни тиклаш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиби ўрин эгаллаш, жаҳон глобаллашув жараёниға қўшилиш вазифалар биринчи ўринға чиқади. Бу эса ҳозирги замон сиёсий жараёнларига қарши бормасдан унга уйғуналишини талаб қилади.

Афғонистон — Ўзбекистон муносабатлари тарихан қўшничилик, дўстона асосда олиб борилган. Энг асосийси — биз Афғонистон билан курашини хоҳламаймиз. Бу Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келмайди. Ўзбекистон шу вақтгача, — деди И.Каримов — Афғонистон билан бирор марта ҳам можароға бормаман, унинг ички жанжалларига аралашман. У ерда ҳокимият талашаватан ҳеч қайси гуруҳга қўмақ бермаган. Биз Толибон ҳаракатини ҳам, унинг мақсадлари ва сиёсати қандай бўлишидан қатъий назар, Афғонистондаги йирик сиёсий куч сифатида қабул қилганмиз”.

КУРРИЯТ МУСТАҚИМ ГАЗЕТА		25-31 октябрь 43 (196) -сон
Муассисе: Ўзбекистон Оммавий ахборот воси-таларини демократиялаштириш во-қулаб-куватлаш жағмораси		
Бош муҳаррир	Хуршид ДУСТМУҲАММАД	
Тахрир хайъати:	Азамат ЗИЁ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Нави ҚАРИМОВ, Абдуқоҳир ИБРОҲИМОВ, Раҳмон ҚУЧҚОР, Норули ОҶИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Амирқул ҚАРИМОВ, Абдуқоҳим ЮНУСОВ	
Газета Ўзбекистон Республикасини Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатқа олинган. Бичими А-2.		
Тахрир ати манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар қўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63		
Индекс:		
Яққа обуначилар учун — 233	Ташкитотлар учун — 234	
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик концерни босмахо-насида босилди. Манзил: «Буюк Турон» қўчаси, 41-уй.		
Навбатчи муҳаррир:	Тошпириш вақти — 21.00	
Зокиржон АЛИБЕКОВ	Тошпиришда — 18.00	
	Буюртма — Г-225	
Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқла-ниши мумкин. Тахририятга юборилган мактуб ва мақола-ларға эзма жавоб қайтарилмайди.		
Hurriyat kompyuter markazida teritil va sahifalandi. Sahifalovchi: SH.SAYALIEV		

СОҒЛОМ ЖУРНАЛИСТ ТЕЗ ЮГУРАДИ



Мусобақа журналист йигитлар ўртасида уюштирилганга қарамай, журналист қизларнинг ҳам югуриши талоғор бўлиши бизни беҳад қувонтирган бўлса, **Холда Мирбобоева** (Шайхонтахур туманидаги 82-мактаб ўқитувачиси) каби ўқитувчи опаларимизнинг "Хуррият" мухлиси сифатида югуришда қатнашиши қувончимизни ўн чандон оширди.

Бугеги сўрасангиз, "Давр" ТВдан келган ҳамкасбимиз **Хуррида Назарова** ҳам микрофони унутиб, югуриш йўлкасига отланаёзди.

Мусобақа уюштиришдан мақсади-миз ҳам мухлислар эътиборини жалб этиш бўлгани ва ниятимиз амалга ошганидан бошимиз кўкка етди.

Дарвоқе, юқорида ёш чегарасини тилга олган эдик. Голибларни аниқлаш ҳам шу йўсинда бўлди. 60 ва ундан юқори ёшдагиларнинг барчаси голиб ҳисобланган бўлса, 45—59 ёшлар ўртасида Фарғона вилояти ўзбекистон тумани Йилпан маҳаллий Радиоси спорт шарҳловчиси **Ҳасан**

(Боши 1-бетда)

бой Ортиков галабани кўлга киритди. 30—44 ёшлилар сафида югурган "Маърифат" газетаси ходими **Абдурашул Нармонов** бош совринга эгалик қилган бўлса, 20—29 ёшли йигитлар орасида УМУ журналистика факультети 2-курс талабаси **Бехзод Шукuroв** энг чақон дея эътироф этилди.

Хуллас, мусобақага келганлар уйга қуруқ қайтмади. Кимдир голибликни кўлга киритиб, қимматбаҳо соврин билан, яна кимдир сеvimли газетаси бўлган "Хуррият"нинг янги сонлари билан қайтди.


Мусобақада ютиб чиққанларни галаба билан яна бир бор муборакбод этарканмиз, барча мухлисларимиз сеvimли газеталари билан доимо бирга бўлишларини истаб қоламиз.

Зокрижон АЛИБЕКОВ

Р.С. Ха-я, Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси фаоллари, ҳакамлари ва "Хуррият"чилар тўшдан кейин улфатчилик қилишни ҳам унутишмади.



ФАОЛИЯТ ҲАМКОРЛИҚДА ҲИКМАТ МЎЛ



САНА

Қуандан-қуандун дунё ўзбекистонини ва ўзбекистон дунёни яхшироқ танимоқда, англамоқда. Узаро англашув замирида эса, шубҳасиз, икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик, ҳамфириқлик, қўлланган мақсадга интилиши ётиши мукаррар. Халқимиз Батан истиқболли илк бор эътироф этиб тан олган ва биринчилардан бўлиб давлатлараро дипломатия муносабатларга қиришган мамлакат қондош ва жондош Туркия Жумҳурияти эканлигидан фаларанди. Тарихдан маълумки, бундан 76 йил муқаддам, яъни 1924 йил 29 октябрда кунин Туркия Жумҳурияти эълон қилиниши турк халқининг абадиётга дахилдор саналаридан бири улорқ тарих сажҳасини та муҳланди. Яқинда Туркия Республикаси Президенти **Ахмет Неҳдет Сөзернинг** мамлакатимизга қилган ташрифи давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада янги босқичларга кўтариши шубҳасиз.

САРМОЯ

Бугунги кунда ўзбекистон билан Туркия ўртасида савдо-иқтисодий, маданий, илмфан ва бошқа соҳаларда алоқалар кун сайин ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Аини вақтда мамлакатимизда туркиялик шериклар иштирокида 375 та корхона барпо этилган бўлиб, улардан 91 тасининг 100 фоиз сармоиси фақат ҳамкорларимиз улушига тўғри келади. Шу йилнинг савқис ойда барқарор товар айланмаси 128,8 миллион АҚШ долларини, шу жумладан, экспорт ҳажми 57,9 миллион АҚШ долларини, импорт ҳажми эса 70,9 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Утган йиллар давомида туркиялик ҳамкорларимиз ўзбекистондаги лойиҳалар учун ажратган сармоиянинг умумий қиймати 834 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Турк Эксимбанкнинг умумий қиймати 218 миллион АҚШ долларини ташкил этган кредитлари Тошкентдаги Халқаро савдо кўргазма мажмуъаси, 500 уринли "Интерконтиненталь" меҳмонхонаси, ТИФ ўзбекистон Миллий Банки, Савдо ва Бизнес маркази каби ишроқлар қурилиши лойиҳалари учун ажратилган 144 миллион, Хоразм вилоятидаги шакар заводи қурилиши лойиҳаси учун ажратилган 25 мил-

лион, Урганч—Хива экспресс троллейбус линияси қурилиши учун ажратилган 6,5 миллион, "Косонсой Текмен" қўшма корхонаси барпо этиш учун ажратилган 24 миллион, "Самкочавто" қўшма корхонасини яратиш учун ажратилган 18,5 миллион АҚШ долларини микдоридидаги маблаглари ўзлаштирилди.

ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР АСОСИДА

"Косонсой Текмен" қўшма корхонаси ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 08.01.1996 йилги 14-сон Қарори билан ҳиссдорлик жамияти сифатида Халқаро тўқимачилик сановати ва ТИМИ маркетинг компанияси (Туркия), Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (Буюк Британия) ва Косонсой пилла Йигирши фабрикаси (Ўзбекистон) ўртасида ташкил этилган. Корхонанинг низоми жамғармаси 55000000 АҚШ долларини ташкил этди. Ҳиссдорлар улушига келсак, Халқаро тўқимачилик сановати ва ТИМИ маркетинг компанияси 25744900 АҚШ долларини, ТИМАШ Савдо маркази (Туркия) 5100 АҚШ долларини, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки 15000000 АҚШ долларини, Косонсой Ипак Йигирши фабрикаси 14250000 АҚШ долларини тақсимланади. Қўшма корхона лойиҳасида Эксимбанк томонидан 24000000 АҚШ долларини, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки томонидан 14000000 АҚШ долларини микдоридида кредит ажратилган. Капитал ажратмаларининг умумий қиймати 93000000 АҚШ долларини ташкил этди.

Қўшма корхона Директорлар Кенгаши савқис аъзога эга бўлиб, уларнинг тўрт нафари турклар томонидан, 3 нафари ўзбеклар томонидан ва бир аъзоси ЕТББ томонидан қўрсатилган.

Корхонага дунёга донги кетган еткази фирма ва компаниялардан энг сўнгги тех-

СИФАТ, СИФАТ, ЯНА СИФАТ

Фабрикада барча йўналишларда ягона ўлчов бирлиги сифат десак янглишмаймиз. Янги ходимини ишга қабул қилишда дастлаб у би-

КИЧИК МАСЛАҲАТЧИГА КАТТА ЭЪТИРОЗ

Намангандаги "Диёнат" газетасида (2000 йил, 36-сон) шаҳар прокурори катта ёрдамчиси **Абдулҳай Қаҳҳоровнинг** "Фирибгар Дилбархон" мақоласи чиқибди...

Мақолада фавулодда содир қилинган жиноят қаламга олинган. Воқеа куйидагича: Наманган шаҳри, Соли Адашев кўчаси 138-а" уйда яшовчи Дилбархон Нурматова шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли 3-туғруқхонада ҳамшира бўлиб ишлайди. Муаллифининг таъкидлашича, "...кўп йилдан буён оила қуриб келаётган бўлса-да, лекин фарзанд кўрмаган". Шу боис, оила аъзолари билан бамаслаҳат, фарзанд асраб олишга қарор қилади. Шундай бўлади ҳам. 1999 йилнинг апрель ойида Дилбархоннинг ўз онаси кўз ёради ва чақалқни қизига беради. Демак, Дилбархон ўз укасини фарзандликка олади...

Чақалққа эса гўёки "ўзим туққанман" қабилида ҳужжатлар тайёрлаб, туғилганлик гувоҳномаси оладилар. Шу асосда бола парварши қилиш учун пуллик таътилга ("Декретный отпуск") чиқади: Д.Нурматовга фарзанди 2 ёшга тулганга қадар нафақа тайинланади... Бу иш Наманган шаҳар прокуратураси томонидан

ўтказилган текширувда ошқор бўлиб қоладики, оқибатда Д.Нурматова жиноий жавобгарликка тортилди. Мақола мазмунидан кўринишича, Д.Нурматова Жиноят Кодексининг 228-моддаси, 2-қисми "б" банди, шу модданнинг 3 қисми (ҳужжатларни қалбақлаштириш) ҳамда 168-модданнинг 2 қисми "б" банди (фирибгарлик) билан айбди деб топилган...

Мақола мазмуни шу, Дангал гап, ушбу мақола-ни ўқиган оқил одамлар муҳтарам адлия кичик маслаҳатчисиغا "Баракалла!" демайди...

Нега? А.Қаҳҳоровнинг зўр бериб таъкидлашича, Дилбархоннинг асл нияти фарзандли бўлиш ва шу тариқа давлат томонидан нафақа олиш эмиш!

Наҳот, тирноққа зор аёлнинг асл нияти фарзанд бахона давлатдан нафақа ундириш бўлса?.. Наҳотки, фарзанд илинжида юрган, бирдан-бир ораси, наманганча айтганда, "Абажон!" ("Онажон") сўзини эшитиш бўлган аёл норасида гўдак

воситасида давлатнинг бир сиқим нафақасига қараб қолган бўлса?

Тўғри, фарзандликка олишининг ўзига ҳос тартибларини мавҳуд ва бу тегишли қонун ҳамда мөъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Ростки, Дилбархон фарзандига туғилганлик гувоҳномасини олишда ўша қонун-қодаларни четлаб ўтди... Боз яна ҳақиқатки, 1999 йилнинг 5 майидан 2000 йилнинг 1 июнига қадар фарзанди учун 31934 (ўттиз бир миң тўққиз юз ўттиз тўрт) сўм нафақа олибди. Бироқ, ҳай биродар, бозорда яхшироқ тўртта товук бермайдиган бу пулга шуриқ ола ўзига савқис тепки атлас олиб қиймаган-дир, чақалқни бигиллатиб ташлаб қўйиб, ресторанда қадаҳ уриштирмагандир? Ахир фарзанди ҳужжатларини қонуний расмийлаштирган тақдирда ҳам шу нафақани олиши мумкин эди-ку?!

Ахир аёл ТУҚҚАНИ учун эмас, бола БОҚҚАНИ учун нафақа олади!

Модомки, шундай экан, қайси мантқиқ билан Д.Нурматова Жиноят Кодексининг

168-моддаси, яъни фирибгарликда айбланди? Муҳтарам ҳуқуқшуносимиз "Фирибгарлик" деганда "алдаш ёки ишончини суиестъомол қилиш йўли билан ўзганин мулкни ёки мулкий ҳуқуқини қўлга киритиш" эканини яхши билади.

Шундай экан, қўнгли кемтик бир аёлга пашшадан фил ясаб айб қўйилганин етмагандай, а-анча оммабоп бўлган газетавда "фирибгар" дея бонг уришдан муҳтарам ҳуқуқшуносимиз нима ютади? "Сохта она" дея эълон қилиб, шундоқ ҳам пешонаси шўр аёлни эл аро мулозим қилиши муҳтарам кичик маслаҳатчига қандай обрў келтириши мумкин?

Қонунларимизда инсоннинг шахсий ҳаётига боғлиқ айрим маълумотлар сир сақланиши кўрсатиб қўйилган. Муҳтарам А.Қаҳҳоров юқоридидаги мазоҳ оҳангидан битилган мақоласи билан "Фарзандликка олиш сирини ошқор" қилиб қўйганини, бу билан Жиноят Кодексининг 175-моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши эҳтимоли борлигини билармикан?..



Турсунали АҚБАРОВ, журналист

БОТИРЖОН!
5 ёшинг муборак!
Бошланаётган ҳаёт
йўлинг порлоқ,
қалбинг каби бегубор
бўлсин.
Тоза ният, учқур
хаёллар йўлдошингга
айлансин!
Отанг, онанг,
боболаринг, бувиларинг

ФУТБОЛ
САРКИСЯН СЕҲРГАР ЭМАС!
Ёхуд ашаддий мухлиснинг алампии мулоҳазаси

Бангкокда ўтказилган Осиё ўйинларида ўзбекистоннинг футбол бўйича терма жамоаси Монголия устидан 5:0 ҳисобида галаба қозонганида, барчаимиз монголлар устидан, уларнинг уларнинг ўзини даражаси устидан роса кулганмиз. Лиангадун Осиё кубоги гуруҳ мусобақасида Японияга 1:8 ҳисобида ютказганимиздан сўнг ўзимни бирдан монголлар ўрнида тасаввур этдим-да, финал босқичига йўланма ололмаган қўшни қозоқ, кирғиз ёки турман футболчилари ва уларнинг ишқибозлари устидан кулаётганини сездим. "Ютказиш ҳам эви билан-да", деган сўзлари қулоринга чалингандай эди.

Биринчидан, биз қўшнларимиздан фарқли ўлароқ, Бирлашган Араб Амирлиқларида бўлиб ўтган мусобақада худаям қўшни шариотда голиб чиқиб, Лианга йўланма олган эдик. Иккинчидан, монголлардан фарқли жойимиз бор — бизда иқтидорли ўйинчилар кам эмас, футболимизнинг келажаги ҳам йўқ эмас. Энг муҳими, бу каби шармандали ва тарихга "Ўзбек футболнинг қора кучи" сифатида кириб қоладиган мағлубиятдан керакли хулоса чиқара билиш керак. Хулоса деганда, кимнидир ҳайдаш ва кимнидир ёмонлаш эмас. Одатда бундай ҳолларда бош мурабий асосий айбдор ҳисобланади. Бироқ Осиё кубоги бошланғичида бир ойдан кам вақт қолганда тайинланган "Нефчи" мурабийи Юрий Саркисянни ай-

ки терма жамоамизга муносиб спарринг-хамроҳ бўла олиши мумкин? Наҳотки теннис (Президент Кубоги), арқин кураш (Мустақиллик Кубоги) ва "Ўзбек кураши (жаҳон чемпиони)" бўйича ташкил қилинган нуфузли турнирларга етган маблагимиз ва шижоатимиз Тошкентда футбол бўйича ҳам халқаро турнир ўтказишга етмаса? Ахир республикамизда футболни севадиган одамлар сони кўпроқ эмасми? Ахир ўзидан шундай турнирни қабул қила оладиган "Пахтакор" марказий ўйингоҳига кўпроқ одам сиймайди? Наҳотки, футболга ташна мамлакатда, катта талаб бўлган жойда, тақлифни ишга солиб, футболдан ҳам ташкилотчиларга молиявий дароҳда, ҳам халққа байрам ҳам терма жамоамизга жиддий тайёргарликни яратиш имконияти бўлмаса?

Келинг, бир дақиқага фарз қилиб қурайлик. Тошкентда ҳар йили тўрт-беш жамоа иштирокида, мисол учун, "Озодлик кубоги" ташкил этилсин. Ўнга Россиянинг қучли клубларидан бири, Осиёнинг қучли терма жамоаларидан бири, Европадан (майлги, Уртамиёна бўлсин, шунда ҳам Осиё жамоаларидан қучли бўлади) бир номдор клубу бир терма жамоа тақлиф этилиб, Ўзбекистон терма жамоаси иштирокида мусобақа ўтказилсин. Наҳотки, ўша клуб ва терма жамоаларини тақлиф этишга маблаг топиламаса? Наҳотки, ўша жамоаларга ҳам тайёргарлик керак бўлмаса? Наҳотки, 55000 томошабинни сийдира ола-

диган "Пахтакор" стадиони, Тошкентга Жанубий Корея ва Хорватия терма жамоалари ҳамда Байер (Леверкузен) ва Локомотив (Москва) клублари келса-ю, тўлмаса? Наҳотки, чипталардан ва ҳомийлардан, шунингдек, телетрансляциядан (реклама учун энг яхши имконият) тушган маблаг харажатларнинг асосий қисмини қоплай олмаса? Бу билан биз ҳам республика нуфузини, ҳам терма жамоа савқисини, ҳам футболимизга бўлган эътиборни кўтарган бўлишамизки?

Менимча, футбол мутасаддилари бу тўғрисида ўйлаб қуришлари зарур.

Ҳа, 1-8 — бу шармандали ва унутиб бўлмас мағлубиятдир. 1994 йили Хиросимадаги Осиё ўйинларидаги муваффақиятимиз бизни эзиб, сиқиб қуймаслиги зарур. "Ушанда голиб эдик, энди ҳамонимиз бирдан бундан кейин ҳам ютаверамиз", деб эинҳор ўйлашмаслигимиз зарур. Ўз имкониятларимизни ховликмасдан, камтарона баҳолай билишимиз керак. Муҳими, йиллар давомида шаклланишни талаб қиладиган футболимиз сифатини тўғри йўналишга қарата билиш керак.

Менимча, ҳозирги вазиятда энг одил йўл — терма жамоанинг шу таркибинин аинан шу мурабий билан сақлаб қўлиб, унн жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинларига узоқ муддатли, яхши ишлаб чиқилган дастур асосида тайёрлаб бориш керак. Чунки ўзбекистонда ҳозирги пайтда бундан зўрроқ ўйинчилар ҳам, мурабийлар ҳам йўқдир.

Одил РЎЗАЛИЕВ, журналист

Р.С. Мулоҳазаларини ёзиб, "Хуррият"га топириб улгурмасиндан футболчиларимиз яна бир сюрприз тортиқ этишди: Ўзбекистон — Саудия Арабистони 0:5!



А.ҲАКИМОВ чизган

ЭЪЛОН
Қамбаров Зафар Зокриджанович номига С.Раҳимов тумани ҳокимиятидан 2000 йилда берилган патент ҳамда Ҳамза тумани ҳокимияти томонидан 2000 йилда берилган савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ф.КОМРОН